



## Ислом Нури

«...» :... «...» :... «...»

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Изор (белдан пастга кийиладиган кийим лўнги)нинг тўпикдан пасти дўзахдадир» (Имом Бухорий ривояти).

«...» :... «...» :... «...» :... «...» :... «...» :...

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларидан ўтдим, изорим пастга осилиб турган эди. «Эй Абдуллоҳ, изорингни кўтар», дедилар. Кўтарган эдим: «Яна кўтар», дедилар. Яна кўтардим. Шундан сўнг (изоримни кўтариб юришга) эътибор қиламан». Бир киши: «Қаергача?» деб сўради. «Болдирларнинг ярмигача», деб жавоб бердилар (Имом Муслим ривояти).

### Шарҳ:

Кийимни тўпикдан пастга осилтириб юриш бу ҳақда қаттиқ огоҳлантиришлар келган бўлишига қарамай, кўпчилик бепарво қарайдиган мункар ишлардан, мусулмон киши ундан эҳтиёт бўлиши ва узоқлашиши лозим бўлган гуноҳи кабиралардан саналади. Мўмин



кишининг либоси тўпикнинг юқорисидан тортиб болдирнинг ярмигача бўлиши суннатдир. Бу ҳукм намозда ҳам ундан ташқарида ҳам бир хил.

**Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:**

1. Изорни тўпикдан пастга тушириш ҳаром;
2. Кийимини тўпикдан пастга осилтирган кишининг жазоси – оёғининг тўпикдан пастки қисми ўтда бўлишидир;
3. Эркаклар кийимидаги суннат – болдирнинг ярмигача бўлишидир, тўпикнинг тепасигача етса зарари йўқ;
4. Кўпчилик гуноҳи кабиралардан саналган ушбу ишга бепарво қараб хато қиладилар.